# ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМНИ ҚАЙТА ҚУРИШ — ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА БЎЛМАЙДИГАН, ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР.

( КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг Асосий йўналишлари» лойиҳасидан).

чиқмаслиги ўз-ўзидан маълум. Яхши мутахассис тайёрлаш учун эса қабул вақтидаёқ билими юқори бўлган талабаларни танлашимиз керак. Менга қолса қишлоқ хўжалик институтига кўпроқ ўрта махсус ўқув юртини битирганларни қабул қилиш тарафдори эдим. Бу лойиҳада ҳам ўз аксини топган.



Кейин биз малакали кадр тайёрлашда ўқитувчи савиясини унутмаслигимиз зарур. Шунинг учун ҳам институтимизда аттестация ўтказишга жиддийроқ ёндошдик. Ўқитиш услуби ва методикаси яхши ўқитувчилар юқорироқ лавозимларга кўтарилди. Аттестация талабига жавоб беролмаганларни ишдан четлаштириш масаласи кўндаланг қўйилди.

Эндиликда ўқитувчининг доимо юксак малакада ўзини ушлаб туриши учун ҳар бир факультетда комиссия туздик. Бу комиссия педагогнинг дарс бериш услуби ҳақида студентлар фикрини ўрганади. Бу усул яхши самара беряпти. Мен ўртоқларнинг қабул вақтида резервга олиш ҳақидаги фикрига қўшиламан. Бу талабалар орасида яхши ўқиш учун рақобатни кучайтиради. Малакали мутахассис тайёрлашга ёрдам беради.

**Е. СМИРНОВ:** Биринчи курсга резерв бўлиб турганлар ҳақида гаплашар эканмиз, бугунги кун талабларини албатта ҳисобга олиш лозим. Яқинда Москва физика-техника институти ректорининг мақоласини ўқиб қолдим. Унда айтилишича институт қишлоқда ўзи учун абитуриентлар тайёрлашни тажриба қила бошлапти. Шунинг учун мактаблар билан жуда яқиндан алоқа ўрнатишган. Ўз институтлари эҳтиёжидан келиб чиқиб педагоглар маълум бир предмет бўйича қобилиятли ўқувчиларни махсус группага тўплаб улар билан чуқурроқ шуғулланишга ўтишган. Шу йўсинда қобилиятли абитуриентлар тарбияланмоқда. Биз партия мажлисимизда бу тажрибани ўрганиб чиқдик. Келгуси йилдан бошлаб қўлламоқчимиз. Шубҳа йўқки, бу метод ҳам кадрлар сифатида муҳим роль ўйнайди. Резервларга келганда шуни айтмоқчиманки, бу формага қайтиш шарт эмас. Фақат «Бўлмайдиган» студентдан воз кечиш масаласини олий мактаб олдига дадилроқ қўяйлик, шунда кадрлар сараланади.

Фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги яна бир қарама-қаршилик ҳақида ҳам тўхталишга тўғри келади. Бу мутахассис ва буюртмачи корхона, колхоз-совхоз, ташкилот ўртасидаги муносабатдир. Бу ерда жуда катта лоқайдлик мавжуд. Айтайлик, биз бирон бир ишлаб чиқариш бирлашмасига мурожаат қилиб: «Сизга қанча мутахассис керак?» десак, у сонини айтади-да қутулиб қўяқолади. Кейинчалик бу мутахассис билан ҳеч ким қизиқмайди. Орадан икки-уч йил ўтиб кетса ҳам биров ўз мутахассисини йўқламайди.

**С. САИДҚОСИМОВ:** Евгений Михайлович, аввалги бир суҳбатда ҳам худди ана шу муаммо ҳақида ҳам гапирилган эди. Кўпчилик ўртоқлар институтларни, айниқса техник олий ўқув юртларини хўжалик ҳисобига ўтказиш тарафдори бўлиб чиқмоқдалар. Улар ўзларига керакли мутахассисларни корхоналар маблағи ҳисобига тайёрлашни таклиф қилдилар. Шунда маблағлар сарфлаётган корхона масъулияти анча ортади деган хулосага келмоқдалар. Бу фикрлар эътиборга лойиқ. Ўйлаймизки натижасиз қолиб кетмайди. Ана шунда буюртмачи корхоналар мутахассислар тақдирига бефарқ қарай олмайдилар.

**А. ИБОДОВ — Тошкент фармацевтика институти партия комитети секретарининг ўринбосари:**

— МЕНИНГ мулоҳазаларим яна қабул ҳақида. Бу ерда кўпчилик ўртоқлар областлардан план билан қабул қилишга қарши чиқишяпти. Ҳозирги шароитга унчалик тўғри эмас. Шу усулда қабул йўлга қўйилиши зарур. Лекин шундай таклифни киритмоқчиман: айтайлик қайсидир областдан абитуриент жуда суст билимли бўлиб қолди, унинг ўрнига ўша региондаги қўшни областдан билими юқорироқ абитуриентни олавериш керак. Бу кейинчалик кадрлар тақсимотида қийинчилик туғдирмайди. Области яқин бўлганлиги учун битирувчи қўшни областга ҳам бориб ишлаши мумкин.



**М. АБДУРАСУЛОВ — Тошкент электротехника алоқа институти партия комитетининг секретари:**

— БУ МЕНИМЧА принципиал масала эмас. Мазкур муаммони мандат комиссиясида ҳал этиш мумкин. Қолаверса, кўпинча қишлоқдан келган студентлар қандай бўлмасин Тошкентга ўрнашиб қолишга ҳаракат қиладилар. Қўшни областга бориб ишлаш у ёқда турсин, ўз областларига боришни ҳам хоҳламай қоладилар. Шунинг учун ҳам бу фикрни унчалик ўринли деб билмайман.

## ҲАР БИР КАДР АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТСИН

**А. ГЕЛДИЕВА:** Яна бир мулоҳазани айтиш ўринли деб ўйлайман. Бу ерда қишлоқ хўжалик институтидан сўзга чиққан суҳбатдошимиз масалани тўғри кўтарди. У ҳам бўлса аттестация масаласи. Ўтирганлардан ҳеч кимга сир эмаски институтларда лавозимга қайта сайлаш кўпинча шунчаки расмиятчилик билан амалга оширилади. Агар кимдир лавозимга қайта сайланмаса фавқулодда ҳодиса ҳисобланади. Бизда ҳатто шундай доцентлар борки, улар 15—20 йил давомида шу пайтгача бирон бир илмий маҳсулот бермай келмоқдалар. Асосий йўналишлар лойиҳасида олий ўқув юрти ўқитувчисининг малакаси унинг фан билан қанчалик шуғулланишига қараб белгиланади, дейилган. Шунинг учун ҳам аттестация ҳақидаги фикрни яна бир бор қўллаб-қувватламоқчиман.

**М. АБДУРАСУЛОВ:** Биз лойиҳада олий мактаб зиммасига қўйилаётган катта вазифаларни фақат партия комитетларининг обрў-эътибори ва таъсирини ошириш, тақдирини ёш авлодга билим ва тарбия бериш билан боғлаган ҳар бир коммунист-



нинг ўз иши учун масъулиятини кучайтириш орқалигина бажаришимиз мумкин. Партия комитети, партия бюросининг педагогга талабчанлиги — ана шу ўқитувчининг ҳурматини орттириш: айни пайтда талабалар билим савиясини ҳам ошира бориш демакдир.

Сўзим қуруқ бўлмаслиги учун мисол келтираман. Биз бу йил 2 нафар катта ўқитувчини лавозимидан пастлаб ассистент қилиб қўйдик. Улар аттестациядан ўтишолмади. Ҳозир шу лавозимда ишлашаяпти. Ҳаётий тажриба партия бюроси тўғри йўл тутганлигини амалда кўрсатди. Шунинг учун ҳам бошланғич партия ташкилоти активининг масъулиятини ошириш лозим. Агар биз ана шу активни бирлаштира олсак, малакали кадрлар тайёрлаш муаммолари осонроқ ҳал бўлади.

Лойиҳада белгиланаётган вазифалар илгари ҳам мавжуд бўлган. Лекин энди уни бажаришга бугунги талаблар нуқтаи назаридан, партиямиз XXVII съезди зиммамизга қўяётган вазифалар нуқтаи назаридан янгича ёндошмоқ керак. Биз лойиҳани институтда муҳокама қилиш жараёнида жамоатчи ташкилотлар, комсомол, касаба союз ташкилотлари ролини оширишга алоҳида аҳамият бераяпмиз. Шу пайтгача бу ташкилотлар фаолияти суст бўлганлиги учун студентларни мустақил бошқаришда уларнинг роли сезилмасди.

Ҳар бир студентнинг гражданлик масъулиятини оширишни ҳам муҳим деб ҳисоблайман. Лойиҳада эса ана шу масалага камроқ эътибор берилган. Абитуриент ўқишга кирдими, етук мутахассис бўлиш, жамиятга ҳалол хизмат қилиш учун керакли билимлар ва ҳислатларни ўзида мужассамлаштиришга интилсин, давлатимиз унга пул тўлаб ўқитаётганлигини келажакда ундан самарали ишлашни кутаётганлигини чуқурроқ ҳис этсин. Қарс икки қўлдан чиққандагина биз кадрлар тайёрлашда муваффақиятларга эришамиз.

**МУХБИР:** Айтилаётган фикрлар шуни кўрсатиб турибтики, олий ўқув юртларимиздаги ижодий тажриба ва айни пайтда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш, коммунистларнинг авангардлигини таъминлаш, уларнинг иш самарадорлигини юксалтириш масаласи билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада улар фаолиятини янги талаблар асосида қайта қуриш жуда суст бораётганини таъкидлаш ўринлидир.

**А. ГЕЛДИЕВА:** Тўғри, фикр. Бу йил бизнинг бошланғич партия ташкилотимиз партбюроси студентларнинг ётоқхоналаридаги аҳвол, уларнинг турмуш тарзи масалалари билан жиддий қизиқди. Талабалар ҳаётини ўрганиш учун партбюро томонидан махсус комиссия туздик. Шунда студентлар ётоқхоналаридан бирида жуда жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлиб қолди. Институт маъмурияти дастлабига бизни унча қўллаб-қувватламади. Моддий базанинг йўқлиги баҳона қилиб кўрсатилди. Лекин комиссия ўз сўзида қатъий турганлиги учун ишда катта ўзгариш рўй берди, ётоқхона коменданти ишдан бўшатилиб, ўрнига масъулиятли кадрни топиб қўйдик.

**Ҳ. ҲАЙРУЛЛАЕВ:** Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институти бошланғич партия ташкилоти ҳузурида маъмурият фаолиятини назорат қилувчи комиссия мавжуд. Бунда биз кўпроқ маъмуриятнинг молия-хўжалик фаолиятини ҳамда ўқув ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича фаолиятини назорат қилиб борамиз. Партия комитети йиғилишларида коммунистларнинг ана шу борадаги ҳисоботлари тингланади. Шундай йиғилишлардан бирида комиссия илмий-тадқиқот ишларида хўжалик шартномаси учун ажратилган маблағлардан нотўғри фойдаланилаётганлик фактларини аниқлади ва бу бошланғич партия ташкилоти мажлисида кенг муҳокама қилинди. Бунга йўл қўйган лаборатория мудири ишдан бўшатилди. Худди шу йўсинда иш тутган бошқа лаборатория ходимлари ҳам тегишли жазо олдилар. Демак, тузилган комиссиялар фаолияти бекор кетаётгани йўқ. Партия комитетининг роли сезилиб турибди.

Лойиҳада студентларни ўз-ўзини бошқариш масаласига алоҳида эътибор берилган. Институтимизнинг қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети бундан 3 йил аввал ётоқхоналарни мустақил бошқариш ташаббуси билан чиққан эди. Биз бу ташаббусни қўллаб-қувватладик. Ҳозир комендант ҳам, вахтёрлар ҳам, ўрин-кўрпа тарқатувчилар ҳам ҳаммаси студентларнинг ўзидан. Ҳозир бу ташаббус бошқа ётоқхоналарда ҳам қўлланмоқда.

**З. ДАВРОНОВ:— Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти партия комитетининг секретари:**

— КОЛЛЕКТИВИМИЗ асосий йўналишлар лойиҳасини муҳокама қилди. Республикамиз территорияси



жудаям катта эмаслигини ҳисобга олиб, биз қуйидаги таклифни киритмоқчимиз. Ўзбекистонда 3-4 тагина педагогика институтлари ташкил этилса шунинг ўзи кифоя. Ана шу институтларни профессорлар, етук олимлар билан мустаҳкамлаш кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга ёрдам берарди. Сиртқи таълимни эса фақат 2 та ёки 3 та педагогика олий ўқув юртида сақлаш, айни пайтда консультация пунктлари сонини кўпайтириш тарафдоримиз. Лекин республикада битта махсус сиртқи педагогика олий ўқув юрти ташкил этилиши лозим. У барча сиртқи факультетлар ишини марказлаштириб туради.

Кадрларни сифатли тайёрлаш масаласида шуни айтмоқчиманки, бунда энг аввало олий ўқув юртлари методикасини такомиллаштириш керак. Мунтазам ўтказиладиган илмий-методик конференциялар, семинар-кенгашлар яхши ёрдам берган бўлур эди. Айрим олимлар, тажрибали педагоглар фаолиятига бағишлаб брошюралар, қўлланмалар чиқариш ҳам илғор тажрибани оммалаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Республика радиоси, телевидениеси орқали эшиттиришлар тайёрлаш, ҳар ўқув йилининг охирида педагоглар аттестациясини ташкил этиш кадрлар савиясини оширишга хизмат қилади.

## ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ САМАРАСИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

**К. ОҚИЛОВ:— Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг бўлим мудири, тарих фанлари кандидати:**

ОЛИЙ ВА ЎРТА махсус



таълимни қайта қуриш тўғрисида даврадошларнинг суҳбатларини диққат билан тинглаяпман. Лойиҳа Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг қатор илмий муассасалари сингари бизнинг институтда ҳам муҳокама қилинди. Мени қувонтирадиган нарса шуки, унда илмий тадқиқот муассасалари билан олий ўқув юртларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга жуда катта эътибор берилди. Лекин шуни ҳам афсус билан айтиш керак, **шу пайтгача олий ўқув юртлари илмий муассасаларга билим жиҳатдан жуда бўш кадрларни юбориб келишди. Бу борада танишбилишлик, ошна-оғайнигарчиликка кенг йўл очиб қўйилди.** Натижада тадқиқотларнинг самараси кутилганидек эмас. **Йиллаб кандидатлик диссертациясини ёқламаётган, илм-фанга зарарча фойда келтирмаётган кадрлар ҳам шу туфайли кўпайди.** Бундай кадрлар 10 йиллар ўтиб кетса ҳам пухта илмий ходим бўлиб етишмаяпти. Шу муносабат билан биз яқинда институтда аттестация ўтказдик. Илмга қизиқмаётганлар ёки самара бермаётганларнинг кўпини лавозимидан пасайтирдик. Улар орасида ҳатто баобрў олимлар ҳам борлиги ачинарлидир. Лекин принципиаллик ишга фойда беради. КПСС XXVII съездининг новаторлик руҳи ва ҳозир биз муҳокама қилаётган лойиҳада қўйилган вазифалар шуни талаб этмоқда. Зеро, биз илмий-тадқиқот муассасаларида малакали, муносиб кадр тайёрламас эканмиз, бундан фақат республикамиз илм-фани эмас, балки мамлакатимиз илм-фани ҳам катта зиён кўраётганлигини очиқ-ойдин эътироф этиш керак.

Эндиликда илмий муассаса билан олий ўқув юртининг ҳамкорлигигина эмас, балки бевосита биргаликда амалий фаолият кўрсатиши шарт бўлиб қолди.

**А. АЛИХЎЖАЕВ:** Илмий кадрлар тайёрлаш ҳақида мен ҳам ўз фикрларимни айтмоқчи эдим.

Назаримда биз, бошланғич партия ташкилотларининг етакчилари олий ўқув юртларидаги ижодий муҳитга ҳам унчалик етарли эътибор бермаяпмиз. **Очиғини айтганда қайси институт партия ташкилотининг йўли билан одамларни пахтага, хашак ўримига, студентлар қурилиш отрядларига, қишлоқ хўжалик ишларига тўла жалб этиб берса, ўша институтни яхши деб мақтаймиз.** Лекин энг асосий ишимиз ёшларга пухта билим бериш, уларни малакали қилиб етиштиришдир. Аммо кўпгина олий ўқув юртларида ҳатто техник олий ўқув юртларида ҳам ёшларни ижодий ишларга жалб қилиш талаблар даражасида эмас. Техника воситаларидан кам фойдаланамиз. Давлатимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларига зарур даражада техник воситалар ажратаётган бир пайтда машғулотлар пайтида улардан тўлиқ фойдаланмаймиз. Ёки кутубхоналарни олайлик. Мен илмий кутубхоналаримиз иши билан қизиқиб кўрдим. Республикадаги энг асосий кутубхонадан бизнинг аспирантларимиз, педагогларимиз кам фойдаланишар экан. Хўш, бунинг сабаби нимада? Бу масала бирон марта жиддийроқ ўрганилиб, бирон бир хулоса чиқарилганми? Менимча йўқ. Жиддий кузатишлар ўтказиб, ёшларни ана шу кутубхоналардан унумли фойдаланишга ўргатишимиз керак. Ҳозир студентлар диплом ишлари ёзаётган пайтларида кутубхоналардан деярли фойдаланишмайди.

## ИЛМИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ СИФАТИНИ КЕСКИН ОШИРИШ КЕРАК

**МУХБИР:** Талабалар илмий ижодкорлигини оширишдаги ички резервларимиз ҳақиқатан ҳам кўп. Улар фанлар бўйича турли олимпиадалар, студентлар илмий жамиятларидаги баҳслар, техника ижодкорлиги бўйича кўриклар, фундаментал кутубхоналардан талабаларнинг мустақил фойдаланиши ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Сизнингча, ана шу ижодкорликни кучайтирган ҳолда, талабалар орасида илмий кадрлар тайёрлашни жадаллаштириш мумкинми?

**А. АЛИХЎЖАЕВ:**— Кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларимиз ҳам суст. Бу ишда кескин бурилиш ясаш керак. Бизда шундай истеъдодли студентлар ҳам бўладики, агар шароит яратиб берилса улар учинчи курсдаёқ кандидатлик диссертацияларини бошлашлари мумкин. Биз шу тарзда жадаллаштириш йўли билан билимли, ташкилотчилик қобилияти бўлган ёшлар ҳисобига олимлар сафини мустаҳкамлаган бўлардик.

Аспирантларга партиявий раҳбарликни кучайтириш зарур. Хусусан, институтимизда бунга эътибор ортди. Аспирантларни ҳадеб командировкалар билан чалғитавериш шарт эмас. Аксинча, олий ўқув юртларидаги жамоат ишларига актив жалб этиб ўз устларида мустақил ишлашларини таъминлаш, зарур ёрдамни кўрсатиш ва улардан яхши илмий кадрлар тайёрлаш керак. **Педагогларга маош тўлаш масаласини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Чунки бир амаллаб илмий унвон олиб олган олим 20—25 йилдан буён мазмуни ўзгармаган бир хил лекцияни ўқийдида катта ойлик олади.** Лекин замон билан ҳамоҳанг бўлган педагог лекцияси қанча сермазмун, таъсирчан бўлмасин, унга анча кам маош тўланади. Агар моддий манфаатдорликда тўғри, адолатли тартиб-қоида ўрнатилса, шубҳасиз илмий кадрлар тайёрлаш сифати ҳам ўзгарарди.

**Х. ДАВИДОВ:— Тошкент фармацевтика институти кафедра мудири, доцент:**



— ҲОЗИРГИ ДАВР руҳига кўра ҳар ким ўз ишини билиб қилиши керак. Лекин бизда партия комитетининг секретари ишини ректор, декан вазифасини партком секретари, комсомол ташкилоти секретарининг бурчини куратор бажараётган олий ўқув юртлари ҳам йўқ эмас. Фаолиятимиздаги ана шундай камчиликлар албатта аниқ мақсадни рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилмоқда. **Уюшқоқлик ва аниқликнинг йўқлиги, жамоатчи ташкилотларга етарли раҳбарлик қилолмаслигимиз кадрлар сифатида ҳам кўринади.**

Асосий йўналишлар лойиҳасидаги «Медицина олий ўқув юртини битириб чиқувчилар клиникада етарли тайёргарлик кўрмаганликлари сабабли кўпинча малакали диагноз қўя олмайдилар ва тўғри даволай олмайдилар» деган сўзлар бунинг яққол далилидир. Бўлғуси шифокорлар адресига айтилаётган бу эътирозлардан биз ҳам тегишли хулоса чиқариб олишимиз керак. Чунки беморнинг дарддан халос бўлишида аниқ диагноздан сўнгги тақдири дори-дармонларга, уларни тайёрловчиларнинг иш сифатига боғлиқ. Шу жиҳатдан оладиган бўлсак, ҳали институтимизда бошланғич партия ташкилоти қилиши керак бўлган ишлар кўлами ниҳоятда кенглиги равшанлашади.

Олий таълим самарадорлигини оширишдаги асосий вазифа ўқитувчининг ўз ишига ҳалол муносабати, студентнинг тиришқоқлиги ва мустақил ишлаши деб ўйлайман. Партия ташкилоти ишни худди шу йўсинда қўйиш учун ҳар кимдан ўз вазифасини тўғри бажаришни талаб қилиши лозим. Бундан ташқари ҳозирги замон илм-фани тараққиёти ютуқларини пропаганда қилиш, ўқув методикаси борасида тўпланган бой тажрибаларни оммалаштириш мақсадида институт олимлари, педагоглари, раҳбар кадрлари учун доимий фаолият кўрсатувчи зонал семинарлар уюштириб туриш керак бўлади. Нима учун мен зонал деяпман? Агар биз барча олий ўқув юртлари ректорлари, деканларини, педагогларини тўплайдиган бўлсак унга жуда катта зал керак. Бунинг устига турли фанлар кишиларини йиғиш яхши самара бермайди. Чунки бундай семинарларда ҳар ким ўз соҳаси бўйича фикр юритади. Бошқалар учун унинг фикри мавҳум бўлиб қолади. Демак аниқликка эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам соҳалар бўйича зонал семинарлар яхши натижалар берган бўлур эди.

**С. САИДҚОСИМОВ:—** Суҳбатимизга хулоса сифатида шуни айтиш керакки, олий таълимни қайта қуриш борасида олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Лойиҳа ҳозир муҳокама қилинмоқда. Аммо бу ишни цех партия ташкилотлари, умумий йиғилишлар, студентлар йиғилишларида, меҳнат коллективларида расмий тартибда, коллегиал, ихтиёрий ва холис тарзда муҳокама қилишни янада авж олдириш керак. Чунки бу ҳужжатда олий таълимнинг бундан буёнги равнақи, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга мос бўлган талабларга жавоб берувчи долзарб вазифалар ўз ифодасини топган. Албатта уларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Бу ерда энг муҳими кадрларимиз ана шу замонавий талабларга қанчалик жавоб бера олишларини назарда тутиш керак. Худди шунақа кадрларни тайёрлаб бериш эса бизнинг вазифамиздир.

Ҳозир область партия комитети фан ва олий ўқув юртлари бўлимига олий мактаблардан, меҳнат коллективларидан таълимни қайта қуриш ҳақида кўплаб таклифлар тушмоқда. Биз уларни батафсил ўрганяпмиз. Албатта ана шу таклифлар ҳам ишимизда катта ёрдам бериши шубҳасиз. Улар асосида маҳаллий партия органлари билан биргаликда меҳнат коллективлари, корхоналар билан илм-фан ҳамкорлигини такомиллаштира борамиз. Турли оталиқ шартномалари бўйича муносабатларимизни янада аниқроқ йўлга қўямиз. Олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлариаро амалий фаолиятни тиклаймиз. Бу ерда кўпчилик ўртоқлар область партия комитети ҳузурида партком секретарлари Совети тузиш тўғрисидаги таклифга қўшилдилар. Биз бундай Советга республикамиз академияси илмий муассасаларининг олимларидан вакилларни ҳам жалб этиш ниятидамиз. Шу тариқа олий ўқув юрти билан катта фаннинг амалий интеграциясини таъминлашга ҳаракат қиламиз.

# ТАКЛИФЛАР, ИСТАКЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

КПСС Марказий Комитетининг олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш ҳақидаги лойиҳаси деярли барча илмий муассасалар бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида муҳокама этилди. Уларда коммунистлар лойиҳани қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирдилар. Қуйида улардан баъзилари келтирилган.

### НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ:

▲ Олий ўқув юртларини битирган мутахассисларнинг ўз ихтисослиги бўйича ишлашларини назорат қилишни кучайтириш мақсадида лойиҳанинг 1 бобидаги «Мутахассислардан фойдаланишдаги катта-катта камчиликлар олий ва ўрта махсус мактаб фаолияти натижаларининг иқтисодий ва социал аҳамиятини анча камайтириб юбормоқда...» сўзларидан кейин **«Бундан буён бу ишни қатъий назорат остига олиш республикалар олий таълим ва маориф министрликлари зиммасига юклатилади»** деган сўзлар қўшиб қўйилишини таклиф қиламиз.

▲ Асосий йўналишлар лойиҳасида олий мактабда асоссиз равишда ихтисосларни бўлиб юбориб, уларнинг сони анча кўпайтирилгани, бу эса умумий илмий ва профессионал тайёргарликка салбий таъсир қилганлиги қайд қилинади. **Шу муносабат билан лойиҳада айрим ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртларини марказлаштириш тўғрисида аниқ қоида ўз ифодасини топишини истардик.**

### ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ:

▲ Кадрларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлашнинг янги механизмига ўтишни такомиллаштириш мақсадида **олий ўқув юртлари билан давлат планлаштириш органларининг узвий алоқаси мустаҳкамланиши лозим. Шунда мутахассисларнинг тақсимоти, уларни иш, уй-жой билан таъминлашдаги мушкулликлар тезроқ ҳал этилади.** Шу муносабат билан лойиҳанинг X бобидаги «Мутахассислар тайёрлаш юзасидан халқ хўжалиги планлари тузишни яхшилаш, кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун министрликлар, идоралар, корхоналар масъулиятини ошириш керак» деган жумлалардан кейин **«Госплан органларининг кадрларга бўлган эҳтиёжни белгилашда олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиги қатъий йўлга қўйилсин»** деган жумлалар қўшиб қўйилса тўғри бўларди.

### ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ:

▲ Олий ўқув юртлари учун қабул планини эмас, мутахассислар тайёрлаш планини бош кўрсаткич деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Чунки халқ хўжалигига студентларнинг сони эмас, балки малакали мутахассислар керак. Бунда мутахассислар тайёрлаш планини беш йил аввал белгилаб қўйиш лозим бўлади. Бу эса институтга ана шу кўрсаткични бажариши учун қанча абитуриент қабул қилишини олдиндан белгилаб олиш имконини беради.

▲ КПСС Марказий Комитети лойиҳасининг биринчи бўлимида мутахассислар тайёрлаш сифати пасайиб кетганлигининг сабабларидан бири қилиб, бир хил мутахассисликлар бўйича кадрларни тайёрлаш кўплаб ўқув юртларига сочиб юборилганлиги кўрсатилган. Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда майда филиаллар кўпайиб кетганлиги сабабли иттифоқдош республикалар олий мактабларида малакали кадрлар тайёрлаш сифати анча пасайди. Шу муносабат билан **майда филиалларни ёпиш ишда ижобий натижалар берган бўлур эди.**

### ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ:

▲ Асосий йўналишлар лойиҳасида кўпгина олий ўқув юртларида шифокорлар малакасиз тайёрланаётгани ҳақидаги фикр тўғри. Шу муносабат билан **ўқишни эплолмаган студентларга уч йилдан сўнг ўқишни тўхтатиш ва уларни давлат аттестациясидан ўтказиш ва ўрта медицина ходими сифатида ишга юбориш масаласини ҳал этиш керак.**

▲ Медицина олий ўқув юртларига абитуриентларни билимига қараб қабул қилиш қатъий қилиб қўйилиши керак.

### ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ:

▲ Лойиҳанинг «Таълим, ишлаб чиқариш ва фанни интеграциялаш» бўлимидаги биринчи абзацнинг биринчи жумласига **«умум таълим мактаби»** деган сўзни ҳам қўшиш керак. Шунда жумла қуйидагича ўқилади: **«Олий ва ўрта махсус таълимнинг умумтаълим мактаби, ишлаб чиқариш ва фан билан мустаҳкам боғлиқлиги, уларнинг ўзаро ҳаракатларида янги принципларга ўтиш...»** деб, кейин текст бўйича ўқилаверади.

▲ Мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш билан боғлиқ III бўлимда тегишли кафедралар иш сифатини баҳолаш мақсадида учинчи абзацдаги **«...студентлар билимини баҳолашдаги процентлаштириш ва расмиятчилик кўринишларига барҳам бериб...»** сўзларидан кейин **«тайёрлаш сифатини аниқлашга машина назоратини кенг қўллаш ва фундаменталь, ихтисослиқ ва иқтисодий предметлар бўйича Давлат имтиҳон комиссиялари ролини ошириш керак» деган сўзларни қўшиш лозим.**

**РЕДАКЦИЯДАН: давра суҳбати қатнашчилари олий ўқув юртлари ишини қайта қуриш, таълим-тарбия беришни ҳозирги янги талаблар даражасига кўтариш, илмий кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига раҳбарлик қилишдаги тарқоқликка хотима бериш, фан билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлигини тинмай мустаҳкамлаш, илмий кадрлар етиштиришдаги тартибсизликларни тугатиш ва бошқа жиддий камчилик-нуқсонларни бартараф этиш, шу пайтгача «осилиб ётган» муаммоларни узил-кесил ҳал этиш билан боғлиқ бўлган кўпгина диққатга сазовор фикр-мулоҳазалар, ўринли маслаҳатлар ва аниқ таклифларни ўртага ташламоқдалар. Зеро, Асосий йўналишлар лойиҳасини муҳокама қилишдан кўзда тутилган мақсад ҳам худди ана шу эди.**

**Биз тилга олинган министрликлар, тегишли илмий муассасаларнинг раҳбарлари мазкур давра суҳбатида кўтарилган масалаларни чуқурроқ ўрганиб, унда билдирилган таклиф-мулоҳазаларни ҳисобга оладилар, деган умиддамиз. Шу муносабат билан редакция Асосий йўналишлар лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган тадбирлар юзасидан мақолалар, таклифлар ва истакларни ёритиб боришни мўлжалламоқда. Олимлар, мутахассислар, педагоглар, кенг жамоатчилик бу ишда актив иштирок этадилар, деб ўйлаймиз.**

Давра суҳбати материалларини **С. ҲАСАНОВ, У. АБДУШОҲИДОВ** ва фотомухбир **А. ЗУФАРОВ** тайёрладилар.

